

Қалблар идишга ўхшайди



07:00 / 24.01.2019 2554

Абу Нўъайм Комил ибн Зиёддан ривоят қилади: «Бир куни Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қўлимдан тутиб, саҳро томонга етаклади. Саҳрога етиб боргач, у зот бир жойга ўтирди. Сўнгра, бир оз нафас ростлагач, шундай деди: «Эй Комил, қалблар идишга ўхшайди. Энг яхши қалб – энг эҳтиёткор қалбдир. Бу гапларимни эслаб қол. Инсонлар уч турли бўлади:

Биринчиси – раббоний олим.

Иккинчиси – нажот йўлидаги толиби илм.

Учинчиси – илм билан иши бўлмайдиган оми. Бу тоифадаги одамлар ҳар хил ғавғоларга аралашадиган, бўлар-бўлмас нарсаларга эргашиб кетадиган, ҳар хил рангга мойил одамлардир. Бундай одамлар илм нуридан баҳра олмайди, ишончли асосга таянмайдилар.

Илм молдан яхшироқдир, чунки илм сени қўриқлайди, молни эса сен қўриқлайсан. Илмни ишлатсанг, камаймайди, молни ишлатсанг камаяди. Илм олим учун тирикликда тоат, вафот этгандан кейин эса гўзал хотирадир. Мол эса дунё йўқ бўлиши билан завол топади. Мол-дунё тўпловчилар тириклик чоғидаёқ ўлиб бўлган бўлади, уламолар эса дунё тургунча туришади, ўзлари йўқ бўлса ҳам, қилиб кетган хайрли ишлари қалбларда доимо барҳаётдир».

«Солиҳлар гулшани» китобидан